

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2012 йил 26 декабрдаги
507 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

ПЕДАГОГИКА

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўқув дастури (*Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш,
Мактабгача таълим, Мусиқа таълими*)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012 йил 25 декабрдаги 4 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: ЎзМУ профессор ўқитувчилари: п.ф.д., проф.
У.Ш.Бегимкулов, п.ф.н., доц. Х.М.Алимов,
фал.ф.н., доц. М.Ортиқов, соц.ф.д., проф.И.Эргашев, п.ф.н.
Ф.Т.Эсанбобоев
ТДПУ профессор ўқитувчилари: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов,
п.ф.д., проф. Ш.Шодмонова, п.ф.н., проф. Р.Г.Исянов,
ф.-м.ф.н., доц. Д.Юнусова,
п.ф.н., доц. М.Мамаражабов, п.ф.д., проф. Б.Абдуллаева,
п.ф.н., доц. А.В.Садикова, п.ф.н., доц. Ш.А.Содиқова,
п.ф.н., доц. Д.Каримова, А.Абдиева, М.М.Қодиров.

Такризчилар: 1-педагогика коллежи директори, п.ф.д., проф. Ш.Э.Курбонов,
ТДПУ доценти, п.ф.н. М.Жумаев

Ўқув дастурлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил 22 ноябрдаги 3-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг тахлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда tutувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Йўналишларнинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси;
- Хорижий таълим тажрибаси;
- Педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Танлов фанлар модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Педагогика (*Педагогика ва психология, Дефектология*)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Педагогика (*Педагогика ва психология, Дефектология*)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, бошланғич таълим, мактабгача таълим, мусиқа таълимининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унга мос ҳолда кадрлар тайёрлаш миллий модели ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасида инновацион фаолиятнинг асосларини;
- таълим жараёнларида қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнги ютуқлари;
- ўқитувчининг инновацион фаолияти;
- замонавий таълим технологиялари;

- педагогик маҳорат;
- электрон педагогика асосларидан тингловчиларда касбий билим ва кўникмаларини янгилаш;
- педагогик маҳорат асослари;
- Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишга оид назарий билимлар, методик кўникма ва малакаларни эгаллаши;
- Мутахассиснинг табиий фанларни ўқитишлари учун зарурий методик тайёргарликка эга бўлиши;
- Табиий фанларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияларини англаши;
- Мутахассиснинг табиий фанларни ўқитишда замонавий концепциялари ғояларини амалга татбиқ этиш учун зарурий методик тайёргарликка эга бўлиши;
- Табиий фанларни ўқитишда таълим мазмунига мос келадиган инновацион технологияларга асосланган машғулот турларини лойиҳалаш ва ўтказишни такомиллаштиришни **билиши** керак.

Тингловчи:

- педагогик фаолият юритаётган таълим муассасасининг давлат ва ижтимоий буюртмаларини назарда тутган ҳолда таълим-тарбия жараёни дидактик мақсадларига эришишни лойиҳалаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- педагогик фаолиятда учраган муаммоли вазиятларга барҳам бериш учун қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шакллари;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
- компьютернинг дастурий таъминоти, компьютер тармоқлари, WEB–дизайн асосларини;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- Бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолият учун зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий (фундаментал) билимлар, уларнинг келгусида (ўқитиш, тарбиялаш, гуманитар омилини таъминловчи шахсий сифатларни назорат қилиш ва баҳолаш маҳоратини такомиллаштириб бориши учун педагогик маҳоратга эга бўлишини таъминлаш;
- Таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида инновацион технологиялардан фойдаланилган, дидактик таъминотини таъминлаган ҳолда лойиҳалаш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- таълим сифатини баҳолаш кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиш методларидан фойдаланиш;
- психологик-педагогик диагностика, лойиҳалаш, баҳолаш, камчиликларга барҳам бериш мақсадида самарали ўқитиш ва тарбия методларидан фойдаланиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, талабалар билан ҳамкорликда ўқув мақсадларига эришиш йўлларини лойиҳалаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

“Педагогика (Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш, Мактабгача таълим, Мусиқа таълими)” малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истикболлари.

Демократик жамият куришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шартини эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. Таълим сифати менежменти.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

II. Умумқасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси. Педагогик кадрлар малакасини оширишга қўйиладиган талаблар. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари,

ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий комуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган

интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Йўналиш (Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш, Мактабгача таълим, Мусиқа таълими)ларнинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси.

Республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар. Педагогик-психологик қарашлар тизимига оид жараён ва ходисаларни англаш. Таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, сифати, шакли, методи, воситалари, тамойиллари, шарт-шароитлари ҳамда жараённи тавсифлаш. Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Олий таълим тизимида педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш. Таълим муассасаларида психологик билимлардан фойдаланиш, таълим ва тарбиянинг шахслараро ижобий муносабатлари. Педагогик жамоалар фаолиятида талаба-ёшларга методик ёрдам бериш.

3.2. Хорижий таълим тажрибаси.

Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон таълим тизими фанининг мақсад ва вазибалари. Жаҳон таълими муаммоларининг умумий тавсифи. Жаҳон мамлакатларида таълим тизими ва унинг мазмуни, таълим турлари, коллеж ва университетлар, таълим-тарбия жараёнининг узвийлиги. Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари ҳамда Европа давлатлари ва АҚШда таълим тизими ва уларнинг қиёсий таҳлили. Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон таълим тизими ривожланишига қўмаклашувчи халқаро ташкилотлар ва уларнинг фаолияти.

3.3. Педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация технологиялари. Таълим муассасасининг ахборот майдони. Компьютердан фойдаланган ҳолда педагогнинг иш жойини ташкил этиш. Педагогнинг шахсий ахборот майдонини ташкил этиш. Операцион тизимнинг график интерфейсига кириш (Microsoft Windows мисолида). Лойиҳа топшириғи: Педагогнинг шахсий ахборот майдонини лойиҳалаш. Ахборот технологиялари воситасида методик материалларни тайёрлаш асослари. Матн процессори воситасида методик материалларни тайёрлаш усуллари (Microsoft Word мисолида). Лойиҳа топшириғи: Microsoft Word дастурида ўқув-методик материалларни тайёрлаш усуллари: тезис, мақола, эсселар. Электрон жадваллар ёрдамида ўқув-методик материаллар тайёрлаш усуллари (Microsoft Excel мисолида). Лойиҳа топшириғи: ўқув-методик материалларни яратишда қўлланиладиган дастурлар. Презентациялар тайёрлаш усуллари (Microsoft PowerPoint мисолида). Лойиҳа топшириғи: ўқув жараёнида фойдаланиш учун презентациялар тайёрлаш (ўқитувчининг методик материаллари асосида). Интернетда ва тармоқда педагогларнинг жамоа бўлиб ишлашни ўрганиш. Интернет тармоғини ташкил этиш асослари. Интернет тармоғининг асосий хизматлари, интернет таълим

ресурслари, педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги. Ахборот технологиялари воситасида методик портфолиони шакллантириш. Методик портфолионинг кўриниши: нашр, презентация, аудио-, фото-, видеоматериаллар. Лойиҳа топшириғи: портфолионинг методик материаллар мажмуасини шакллантириш. Ziyonet.uz, pedagog.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Web-интерфейс методик ахборотларни тармоқда жойлаштиришнинг универсал воситаси сифатида. “Ўқитувчи портфолиоси” сайтини яратишнинг технологик асослари. Амалиёт: “Ўқитувчи портфолиоси” сайтини ишлаб чиқиш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.

Олий таълим тизими инфроструктураси. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

V. Танлов фанлар модули

Педагогика (таълим соҳалари) йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ҳузуридаги тармоқ марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

VI. Якуний назорат

6.1. Йўналиш бўйича аттестация.

Тингловчилар марказда яратилган педагогика (таълим соҳалари) бўйича тест саволлари базаси асосида компьютерда кириш ва чиқиш тестларини (юз балли тизимда) топширади.

6.2. Малакани ҳимоя қилиш иши.

Малакани ҳимоя қилиш иши тингловчиларнинг малака ошириш давомида эгаллаган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни педагогика жараёнда муайян муаммоларни илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш; ижодий ишлаш, ҳал этилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиши, ишни тўла ниҳоясига етказиш, маъсулиятни ҳис этишга ўргатиш; замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида тингловчиларни мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлаш. Малакани ҳимоя қилиш иши ҳажми 30-40 бет, 14 ўлчамда, Times New Roman шрифтида бажарилади, тақризлар олинади, кафедрадан дастлабки

муҳокамадан ўтади ҳамда аттестация комиссиясида ҳимоя қилади (малакани ҳимоя қилиш ишини ёзма ва электрон варианты марказга тақдим этилади).

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш, олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепцияси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, хорижий педагогик тажрибалар доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда куйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;

- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Педагогика фанини ривожлантирихш жараёнлари ва воситалари.
2. Психика ва онгнинг тараққиёти
3. Педагогик жараёнда инновация.
4. Ўрганишдан кутиладиган натижаларни назорат топшириқларига кўчириш.
5. Замонавий педагогик технологиялар орқали ўқитишни ташкил этиш шакллари.
6. Компьютер тармоқлар, WEB –дизайн асослари.
7. Эвристик топшириқлар методи.
- 8.Тадқиқотли топшириқлар методи.
- 9.Программалаштирилган топшириқлар методи.
- 10.Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча.
- 11.Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.
- 12.Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларини яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллашнинг дидактик асослари.
- 13.Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва фойдаланишдаги педагогик-эргономик талаблар ва уларнинг сифатини баҳолаш.
- 15.Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари.
- 16.Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
- 17.Ахборот–коммуникация технологиялари воситаларидан таълимий мақсадларда самарали ва хавфсиз фойдаланишнинг педагогик-эргономик шарт шароитлари.
- 18.Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
19. Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.
- 20.Эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари.
- 21.Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари.
- 22.Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажакги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

22. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.

23. Холмуродов Р.И., М.Х., Лутфуллаев. «Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш», Т., ЎЗРФА «Фан», 2003 й. 176 б.

24. Абдуллаева Б.С., А.В.Садыкова Н.Мухитдинова, Тошпўлатова М.И Математика Бакалаврият талабалари учун. Ўқув қўлланма Тошкент 2012 284 бет

25. Абдуллаева Б.С., А.В.Садыкова Н.Мухитдинова, Тошпўлатова М.И Математика ўқитиш методикаси(малака ошириш тингловчилари учун) Ўқув қўлланма

26. Абдуллаева Б.С., А.В.Садыкова Н.Мухитдинова, Тошпўлатова М.И. Математика (қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари учун) Ўқув қўлланма 284 бет

27. Абдуллаева Б.С., Н.А.Хамедова М. Хусанова “Бошланғич синф математика дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси” - Тошкент 2010, 135 бет услубий қўлланма

28. Абдуллаева Б.С., Садикова А.В., Тошпўлатова М.И., Бошланғич синфларда математикадан синфдан ташқари ишларни ташкил этиш Педагогика олий таълим муассасаларининг 5141600-«Бошланғич таълим ва тарбиявий иш» бакалавр йўналиши талабалари учун мўлжалланган ўқув-методик қўлланма – Т.: ООО «Жаҳон - Принт», 2011. – 148 бет.

29. Абдуллаева Б.С., Ўринбоева Л.Ў, Мухитдинова Ш.С, Ишанкулова Л.Т.. Бошланғич синф ўқувчиларига геометрик материалларни ўргатиш методикаси Педагогика олий таълим муассасаларининг 5141600-«бошланғич таълим ва тарбиявий иш» бакалавр йўналиши талабалари учун мўлжалланган ўқув-методик қўлланма – Т.: ООО «Жаҳон - Принт», 2011. – 90 бет.

30. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.

31. Алимбоева Р.Д. Маҳкамжонов К.М. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. Методик қўлланма. Тошкент – 2012.84 бет

32. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.

33. Ғозиев Э. Умумий психология. 1, 2-китоб. - Т.: Университет, 2002 й. 212 б.

34. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.

35. Ғозиев Э., Мамедов К. Касб психологияси. - Т., 2003 й. 183 б.

36. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
37. Гуломов С.С., Абдуллаев А.Х. “Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок”. МВССО. Т.,2002. 98 с.
38. Гуломова Х., Г.Маматова, Ш.Йўлдошева, Ҳ.Боқиева, А.Собирова Хуснихат ўқитиш методикаси(малака ошириш тингловчилари учун) Ўқув қўлланма 80 бет
39. Гуломова Х., Г.Маматова, Ш.Йўлдошева, Ҳ.Боқиева, А.Собирова Хуснихат ва уни ўқитиш методикаси Бакалаврият талабалари учун. Ўқув қўлланма Тошкент 2012 80 бет
40. Гуломова Х., Ш.Йўлдошева, Ҳ.Боқиева, Она тили ўқитиш методикаси (малака ошириш тингловчилари учун) Ўқув қўлланма
41. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996. 218 с.
42. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002й. 218 б.
43. Жумаев М. “Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикасидан лаборатория машғулоти” Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006, 256- бет.
44. Жумаев М.Э. “Ўқучининг ижодий шахс сифатида ривожланишида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик – математик тайёргарлиги” – Тошкент.: Фан, 2009, - 240 б.
45. Жумаев М.Э., “Математика ўқитиш методикасидан практикум”- Тошкент.: Ўқитувчи, 2004, 328 бет.
46. Ижтимоий педагогика. / Н.Эгамбердиева - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
47. Ингенкамп К. Педагогическая диагностика. – М., 1991й. 326 с.
48. Ишмухаммедов Р.Ж. «Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари» Тошкент: 2000й. 161 б.
49. Қодиров Б.Ғ., Бегимқулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. «Ахборот технологиялари». Электрон дарслик. 2002 й. 213 б.
50. Каримова В.М. Психология. - Т.: Шарқ, 2000 й. 210 б.
51. Лутфуллаев М.Х., Файзиев М.А. «Интернет асослари», СамДУ нашриёти. 2001 й. 198 б.
52. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006 й. 183 б.
53. Мавлонова Р., Холикбердиев К., Тураева О. Педагогика.– Т.: Уқитувчи, 2006 й. 298 б.
54. Маклаков А.Г. Общая психология. - СПб.: Питер, 2003 г. 316 с.
55. Немов Р.С. Психология. - М.: ВЛАДОС, 2003.- 1-2-т. 518 с.
56. Оконь В. Ведение в общую дидактику. М., 1990 г. 128 с.
57. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. – Т.: Молия-иқтисод, 2008й. 208 б.
58. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. – в 2-х кн. – М. : ВЛАДОС, 1999. – 567 с.

59. Радугина А.А. Педагогика и психология. - Изд. центр Москва, 1999 г. 418 с.
60. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер, 2007 г. 318 с.
61. Рыбакова М.М. Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе. – М., 1991(1992). – 128 с.
62. Рыжков В.Н. Дидактика. – Москва, ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 318 с.
63. Сатторов. А. “Информатика ва ахборот технологиялари”. - Академик лицей ва касб – хунар коллежлар учун дарслик.–Т.: Ўзбекистон, 2002 й.325 б.
64. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
65. Таджиева З.Ф. ва бошқалар “Бошланғич синф математика, таълим самарадорлигини оширишда тарихий материаллардан фойдаланиш”-Тошкент.: Жаҳон Принт, 2007, 100 бет.
66. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й. 163 б.
67. Умумий психология. - А.В. Петровский таҳрири остида - Т.: Ўқитувчи, 1992 й. 329 б.
68. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000 й. 122 б.
69. Холиқов А ”Педагогик маҳорат” – Тошкент.: Иқтисод – молия, 2010 – йил, 350 б.
70. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
71. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994 г. 236 с.
72. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г. 92 с.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Ахборот-коммуникатсия технологиялари изохли луг'ати, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. www.press-uz.info
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Ахборот resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. www.ziyonet.uz
12. www.edu.uz
13. www.pedagog.uz
14. www.tdpu.uz

